

ШХТ халқаро ахборот хавфсизлиги бўйича экспертлар гуруҳи фаолияти юқори баҳоланди



Россия Ташқи ишлар вазирлиги Халқаро ахборот хавфсизлиги соҳасида минтақавий ва икки томонлама ҳамкорлик бўлими бошлиғи Юлия Коростелёва Тошкентда бўлиб ўтаётган форум доирасида халқаро ахборот хавфсизлиги бўйича ШХТ экспертлар гуруҳи фаолиятига юқори баҳо берди.

Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон раислиги доирасида, энг аввало, ШХТ ёндашувларини халқаро майдонда барча иштирокчилар учун ахборот хавфсизлигининг адолатли ва тенг тамойилига таянган ҳолда илгари суриш бўйича фаол ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Тошкентда жорий йил июнь ойида бўлиб ўтган гуруҳнинг сўнгги йиғилишида ҳамкорликни фаоллаштириш ва фаолият самарадорлигини ошириш, ташкилотга аъзо давлатларнинг технологик ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш каби қатор амалий ташаббуслар кўтарилди.

Манба